

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ ЗАКИР КАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Усманов Закир Каримович

Ўзбекистон транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши ва уни
такомиллаштириш 3

Усманов Закир Каримович

Территориальная организация транспортной системы Узбекистана и её
совершенствование 21

Usmanov Zakir Karimovich

Territorial organization of the transport system of Uzbekistan and its
improvement..... 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ ЗАКИР КАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Gr13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифанинг (samdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Баҳодир Шаҳриёрович
иқтисодиёт фанлари доктори

Қодиров Раҳимжон Болтабоевич,
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» январь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд Давлат университети бош биноси, 105 хона. Тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366); E-mail: ik-geografiya.2018@mail.ru)

Диссертация билан Самарқанд Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (0366) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги __-рақамли реестр баённомаси).

С.Б. Аббасов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Қ.С. Ярашев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, география фанлари бўйича PhD

А. Раҳматуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., DSc

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда жаҳонда трансконтинентал ва халқаро транспорт магистралларини ривожлантиришга, транспорт-логистика тизимини шакллантириш ва улар хизмат кўрсатадиган ҳудудларини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Халқаро ташкилотларнинг экспертлари таъкидлаганидек, “замонавий босқичда мамлакат ва минтақаларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига энг катта таъсирни инфратузилма объектларини, хусусан транспорт коммуникацияларини модернизациялашга йўналтирилаётган инвестициялар кўрсатмоқда”.¹

Дунё мамлакатларида транспорт тизимининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга, транспорт-логистика тизимини шакллантиришга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Миллий транспорт тизимини такомиллаштириш борасида мамлакатимизнинг транспорт-географик яхлитлигини таъминлаш, дунё океани портларига чиқиш транспорт магистралларини диверсификациялаш, тезювар поезд маршрутларини йўлга қўйиш, йирик туристик масканларни боғловчи транспорт коммуникацияларини ривожлантириш каби салмоқли ижобий ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, транспорт-географик жойлашувига кўра ҳудудларнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлашга муҳим масала сифатида қаралмоқда. Шу сабабдан транспорт тизимларини ҳудудий ташкил этилишини иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этиш, моделлаштириш ва прогнозлаштириш борасидаги илмий-амалий ёндашувларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш...» юзасидан муҳим вазифалар белгиланганлиги бундай илмий изланишларнинг заруратини кўрсатади.² Бу борада, жумладан, мамлакатимизда транспорт тизимларининг ҳудудий ташкил этилишини иқтисодий географик жиҳатдан комплекс ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февральдаги "2017-2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўллари ривожлантириш дастури тўғрисида" ПҚ-2775-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10

¹www.2015.tr-ebd.com.EBRD Transition Report 2015-2016. Structural Reform.

²www.Lex.uz.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2724 сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февральдаги ПФ-5647-сон “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Транспорт географиясининг асосчилари деб тан олинган И.Коль транспортнинг иерархик моделини тузган, Л.Лаланн темир йўл тўрлари назариясини ишлаб чиққан. Кейинчалик америкалик олимлар Э.Таафе, Э.Ульман, О.Блюмлар транспорт географиясини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшдилар. Польшалик олимлар М.Потрыковский, Р.Доманьскийлар ўзларининг тадқиқотларида ҳудудий транспорт географиясини, унинг назариясини ўргандилар.

МДХ мамлакатларида транспорт географияси тадқиқотларига И.В.Никольский асос солган бўлса, С.Б.Шлихтер минтақавий интеграллашувнинг транспорт омилини, В.Н.Бугроменко транспортнинг ҳудудий тизимлардаги ўрнини, М.И.Галицкий транспортнинг иқтисодий географиясини, Н.Ф.Голиков инфратузилма географиясини, Н.Н.Казанский алоқа йўлларининг ҳудудий ташкил этилишини, Н.П.Каючкин ҳудудни транспорт жиҳатдан ўзлаштиришнинг географик асосларини ўргандилар.

Ўзбекистонда транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши оид илмий тадқиқотларни С.М.Ходжаев, Р.В.Набиев, М.Н.Адилов, Д.И.Менгелдин, П.Х.Махмудов каби олимлар томонидан олиб борилган. Мустақиллик йилларида И.С.Рамазонова ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда транспорт омилининг ўрни ва аҳамиятини, К.У.Ульджабаев темир йўл транспортида иқтисодий ислохотларни, Э.Каримов автомобиль транспортида юк ташишни ташкил этишни, А.Исаев Фарғона водийсидаги транспорт тизимларини ривожлантиришнинг географик жиҳатларини тадқиқ қилганлар.

Бироқ, ҳудудларнинг транспорт-географик ўрни ва транзит салоҳияти, транспорт тармоқларини иқтисодий географик моделлаштириш ва хариталаштириш, транспорт-логистика тизимининг ҳудудий таркиби ҳозирги кунгача етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг А-2-62 «Рақобатли бозорлар ўсиши шароитида минтақавий агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш стратегияси (2015-2017 йй.)» амалий тадқиқотлар лойиҳаси ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» Илмий-тадқиқот марказининг Ф1-Фа-1-16435 ФА-Ф1-Г005 «Миллий иқтисодиётнинг ахборотлашган ривожланишининг илмий-услубий асослари» (2012-2016 йй.)» фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон автомобиль ва темир йўл транспортининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

транспорт тизимини ҳудудий ташкил этилишининг замонавий хусусиятлари ва тенденцияларини, уларни иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ қилишнинг илмий-амалий асосларини ва ёндашувларини, ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон транспорт тизимида автомобиль транспортининг тутган ўрнини очиб бериш, автомобиль транспорти фаолияти ва инфратузилмасининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини моделлаштириш;

ҳудудларнинг автомобиль йўллари билан таъминланганлик даражасини баҳолашнинг интеграл методикасини тузиш ва таъминланганлик даражасини баҳолаш ва карталар яратиш;

мамлакат транспорт тизимида темир йўл транспортининг тутган ўрнини очиб бериш, темир йўл транспорти фаолияти ва инфратузилмасининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини моделлаштириш, махсус карталар тузиш;

республикада транспорт-логистика тизими шаклланишининг географик омилларини очиб бериш ва транспорт тизимларини самарали ҳудудий ташкил этиш ва такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон автомобиль ва темир йўл транспортининг ҳудудий тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилишида транспорт-географик муносабатлар ташкил этади ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик таққослаш, картографик, статистик, математик моделлаштириш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон транспорт тизими ҳудудий ташкил этилишининг самарадорлигини оширишда географик омилларнинг (ҳудудларнинг табиий

шароити ва ресурслари, географик жойлашуви ва рельефи) хусусиятлари очиб берилган ва уларнинг сабаблари аниқланган;

Худудлар кесимида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш параметрларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль транспортида юк айланмаси кўрсаткичлари 2025 йилгача бўлган давр учун прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси яхши ривожланган худудларда Қорасув, Термиз, Олот, Қўнғирот, Сариосиёда янги транспорт-логистика марказлари тўри ишлаб чиқилган;

худудларнинг автомобиль ва темир йўллар билан таъминланганлиги Стёрджеснинг гуруҳлаштириш усули асосида акс эттирувчи туркум транспорт карталар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

худудларнинг автомобиль транспорти инфратузилмаси билан таъминланганлигини гуруҳлаштириш ва баҳолаш методикаси таклиф этилган;

республика худудлари ЯХМсининг транспортсиғимкорлиги (автомобиль транспорти юк айланмаси асосида) кўрсаткичлари аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши натижалари ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги маълумотлари ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази материалларидан фойдаланилганлиги, муаллифнинг тадқиқотлари натижасида яратилган хариталар, хулоса, таклиф ва тавсиялари амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти транспорт тизимининг худудий ташкил этилишини математик-статистик ва картографик усуллар ёрдамида тадқиқ этиш методикасини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон транспорт тизимини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш стратегияси ҳамда дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишларида ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика транспорт тизимининг худудий ташкил этилишини такомиллаштиришга оид илмий хулоса ва тавсиялар асосида:

республика худудларнинг транспорт-географик кўрсаткичлари (автомобиль транспортида юк айланмаси ва темир йўл транспортида юк ташиш ҳажми) ва иқтисодий ривожланганлик даражаси (ялпи худудий маҳсулот кўрсаткичи) орасидаги корреляцион боғлиқлиги тўғрисидаги илмий

хулосаларидан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид дастурларни тайёрлашда амалиётда қўлланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги АД-4-2/20-341-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятига транспорт географик омилининг таъсирини баҳолаш имкони яратилган;

ҳудудларнинг автомобиль йўллар билан таъминланганлигини баҳолашнинг транспорт-географик кўрсаткичлар (автомобиль йўллар майдонининг вилоятлар ҳудудига, аҳоли сонига, юк ташиш ҳажмига, ЯҲМга нисбатан зичлиги) асосида такомиллаштирилган интеграл методикаси ҳамда Стёрджеснинг гуруҳлаштириш усули ёрдамида яратилган махсус транспорт туркум хариталаридан Давлат кадастри, геодезия ва картография миллий маркази томонидан амалиётга жорий этилган (Давлат кадастри, геодезия ва картография миллий марказининг 2018 йил 9 апрелдаги 1/1-312-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг, транспорт-коммуникация тизимларини (автомобиль транспорти инфратузилмаси билан) замонавий талаблар асосида модернизация қилишда ер-кадастр ишларини оқилона бажариш имконини берган;

республика шаҳарларининг транспорт тугуни иқтисодий географик функцияси шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва шу асосда ишлаб чиқилган мамлакат транспорт тизимида логистика марказларининг тўрини тармоқлаштириш бўйича (Қорасув, Термиз, Олот, Кўнғирот, Конимех, Сариосиё) таклифлар Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги АД-4-2/20-341-сон маълумотномаси). Натижада республикамиздаги транспорт-логистика инфратузилмасини кенгайтириш имконини берган;

Ўзбекистон транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилишининг самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февральдаги ПҚ-2775-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури” доирасида Иқтисодиёт вазирлиги тизимида тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда амалиётга тадбиқ этилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги АД-4-2/20-341-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ҳудудий-транспорт тизимларини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та

мақола, жумладан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети таснифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Транспорт тизими ҳудудий ташкил этилишининг замонавий тенденциялари ва назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган изланишлар транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи омиллардан бири эканлиги асослаб берилди. Ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркибини шакллантириш ва такомиллаштиришда ҳам транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, транспорт ишлаб чиқаришнинг бевосита давом эттирувчи тармоғи ҳисобланади. Ҳар томонлама ривожланган транспорт турлари мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ва жойлашишида, ички ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур бобда транспорт тизими ҳудудий ташкил этилишининг замонавий тенденциялари ва назарий услубий асослари тадқиқ этилди. Транспорт географияси муайян ҳудудда транспорт чизиклари (линиялари) ва тугунлари жойлашиши, транспорт тармоқларининг шаклланиши, юк ва йўловчи оқимлари, транспортнинг аҳоли жойлашуви ва бошқа тармоқлар билан ўзаро боғлиқлик қонуниятлари, иқтисодий районлар шаклланишида транспортнинг тутган ўрни, транспорт тизимининг районлаштирилиши каби масалалари билан шуғулланади. Жаҳонда транспорт географиясини тадқиқ этган олти та мақтаб мавжуд ва бу тармоқ ривожланишининг муайян босқичларини англатади.

Шу билан бирга, муайян ҳудудларнинг транспорт тармоғи билан таъминланишидаги муаммоларни ўрганиш қуйидаги йўналишлар билан боғлиқ:

-статистик йўналиш (маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича транспорт тўри зичлиги статистик маълумотлар асосида баҳоланади);

-геометрик йўналиш (худудларнинг транспорт тармоғи билан таъминланганлиги элементар геометрик воситалар ёрдамида ифодаланади);

-картографик йўналиш (картографик тадқиқотнинг турли усулларини қўллашга асосланади);

-математик моделлаштириш йўналиши (транспорт-географик жараёнларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш ва прогнозлашга асосланади).

Диссертацияда транспорт тизимини ҳудудий ташкил этишни баҳолашда

янги методика $d_{S^{AT}}^{S^R, V^R} = \frac{S^{AT}}{\sqrt{S^R V^R}}$ яъни, майдон ва ЯХМ ҳажмига нисбатан автомобиль йўллари зичлиги кўрсаткичларини киритган ҳолда,


$d_{S^{AT}} = \frac{S^{AT}}{\sqrt[4]{S^R A^R N_A^R V^R}}$ минтақаларнинг автомобиль йўллар билан таъминланганлигини баҳолашнинг интеграл методикаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари автомобиль ва темир йўл транспорти фаолиятининг минтақаларнинг республика ЯИМдаги улушига таъсирини корреляцион боғлиқлигини аниқлаш, моделлаштириш, баҳолаш ва прогнозлаш мақсадида ушбу кўринишдаги $y=b_1+a_1x_1 +a_2x_2 +a_3x_3$ ва $y=b_1+a_1x_1 +a_2x_2$ транспорт-географик (математик) моделлар тузилди.

Шунингдек, ҳар қандай тизимнинг шаклланиши ва самарали ривожланишида сиёсий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг барча тармоқлари сингари, транспорт тармоғининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида жуда кенг ҳуқуқий-меъёрий асоси, концепциялар, стратегиялар яратилди. Улар қаторига, автомобиль йўлларини ривожлантириш ва бошқаришга қаратилган, 2017 йил 14 февралдаги «2017-2018 йилларда ҳудудий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тўғрисида» ПҚ-2775-сонли қарорини киритиш жоиз. Улар транспортнинг самарали фаолият юритишини таъминлабгина қолмасдан, балки унинг ривожланишини ҳам белгилаб бермоқда.

Диссертациянинг **“Автомобиль транспортининг ривожланиш динамикаси ва ҳудудий таркиби”** деб номланган иккинчи бобида, автомобиль транспортининг ривожланиши динамикаси ва ҳудудий таркибига таъсир кўрсатувчи географик, иқтисодий, демографик ва бошқа омиллар, қонуниятлар таъсири таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ривожланган йўл хўжалиги ва замонавий талабларга жавоб берадиган халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларига эга. 2017 йилда “Ўзавтойўл” ДАК қарамоғида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари узунлиги 42,0 минг км.ни ташкил этди. Аҳамиятига кўра 4,0 минг км (9,3 фоиз) йўл халқаро, 14,1 минг км (33 фоиз) йўл умумдавлат ҳамда 24,6 минг км (57,7 фоиз) йўл вилоят ва маҳаллий аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади. 2005-2017 йилларда халқаро аҳамиятдаги йўллар 698 км ёки 121,3 фоизга ортди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий birlikларида автомобиль йўллари зичлиги

Мустақиллик йилларида автомобиль транспортида юк ташиш ҳажми 1996 йилдан буён изчил равишда ортиб бормоқда. Бу эса жами юк ташишда ушбу транспортнинг улуши ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатди. Дарҳақиқат, 1991-2017 йиллар мобайнида автомобиль транспортининг жами юк ташишдаги улуши 67,8 фоиздан 88,4 фоизга етди. Ўз навбатида автомобиль транспортининг юк айланмасида ҳам ўзига хос ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 1991 йилда юк айланмаси 5,5 млрд.тонна км.ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 13,6 млрд.тонна км.га тенг бўлди ёки 2,5 мартага ортди.

Минтақаларда автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган кўп лойиҳаларнинг амалга оширилиши автомобиль транспорт инфратузилмаси билан таъминланганлигини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичлари методикасини ишлаб чиқишни тақозо этди ва шунга кўра энг юқори интеграл кўрсаткичлар йиғиндиси Сирдарё (97,37), Жиззах (46,19), Наманган (44,75) вилоятларига тегишли бўлди. Ўртача интеграл кўрсаткичлар Фарғона (39,86), Хоразм (36,78), Самарқанд (35,13), Бухоро (34,92), Андижон (34,69) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (35,20) кузатилди. Энг паст интеграл кўрсаткичлар Сурхондарё (17,81), Навоий (18,91), Тошкент (27,40) ва Қашқадарё (30,07) вилоятларига тўғри келди. Ушбу кўрсаткичлар автомобиль йўллари билан яхши, ўртача ва кам таъминланган минтақаларни аниқлаш имконини берди. Мазкур вилоятлар майдонининг нисбатан кичиклиги ҳамда аҳоли зичлиги, ЯҲМ ҳажми, автомобиль йўлларнинг зичлиги бўйича юқори кўрсаткичларга эга эканлиги билан тавсифланади.

Ушбу тадқиқотда ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларнинг турли параметрлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида транспорт-географик модели тузилди. Бизни асосан, автомобиль йўллар зичлигига боғлиқ ҳолда минтақаларнинг ЯИМдаги улуши ўзгариб бориши қизиқтирганлиги учун масалани ечишда ҳудудлар бўйича автомобиль йўллар зичлиги (x_1) билан бир қаторда ҳудудларда ташилган юк ҳажми (x_2), юк айланмаси (x_3) кўрсаткичлардан фойдаланиб, регрессия тенгламаси тузилди.

Бунинг учун минтақаларнинг улушига тўғри келувчи ЯИМ (y) нинг x_1 , x_2 , x_3 лар орқали боғланиши $y=b_1+a_1x_1+a_2x_2+a_3x_3$ кўринишда деб олиниб, a_1, a_2, a_3, b_1 коэффицентлар ҳам кичик квадратлар усули ёрдамида аниқланди: $a_1=-0,00073$, $a_2=-0,007$, $a_3=0,003$, $b_1=2,297$. Ушбу аппроксимациянинг детерминация коэффиценти $R^2=0,945$ га тенг.

Кўришиб турибдики, детерминация коэффицентининг кўрсаткичи юқори, бу минтақаларнинг ЯИМдаги улуши ўзгаришига юк айланмасининг таъсири ҳудудларда ташилган юк ҳажми ва автомобиль йўллар зичлигига нисбатан кучлироқ эканлигини билдиради. Ҳар учта ҳолатда ҳам регрессия тенгламаси коэффицентлари мусбатлигини инобатга олиб, мос равишда x_1 , x_2 , x_3 ларнинг ортиши y нинг ҳам ортишига ва аксинча x_1 , x_2 , x_3 ларнинг

камайиши унинг ҳам камайишига олиб келишини таъкидлаб ўтиш мумкин. Диссертациянинг **“Темир йўл транспорт тизимининг ривожланиши ва унга хос хусусиятлар”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда темир йўл транспортининг ривожланиши билан боғлиқ ҳудудий хусусиятлар тадқиқ этилди. Темир йўл транспорти бошқа транспорт турларига нисбатан юк ташиш қийматининг арзонлиги, йилнинг ҳар қандай фаслида фаолият юритиши ва катта ҳажмдаги юкларни ташиш имкониятига эга эканлиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, темир йўл электрлаштирилганда бошқа транспорт турларига нисбатан энг тоза экологик транспорт турига айланади. Ушбу омиллар республикамизда темир йўл транспорти келгусида ҳам асосий транспорт воситаси бўлиб қолишини белгилаб беради.

Юк ташиш ҳажми бўйича темир йўл транспорти автомобиль транспортдан кейинги ўринни эгаллайди. Республикада 2017 йилда жами ташилган юкларнинг 5,9 фоизи темир йўлга тўғри келди, ваҳоланки 1995 йилда бу кўрсаткич 14,5%ни ташкил этган. 1991 йилда темир йўл транспортида юк ташиш ҳажми 10,3%ни ташкил этган ва сўнгги 26 йил давомида деярли 1,7 мартага қисқарганлигини кузатиш мумкин.

Умумфойдаланиладиган темир йўллар зичлиги минтақалар кесимида турлича бўлиб, бу ҳолат ҳар бир минтақанинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. 2005-2017 йилларда республика бўйича темир йўллар зичлиги 5 км.га ортди. Темир йўллар зичлигининг энг юқори кўрсаткичи Сирдарё вилоятига тегишли бўлиб, у 377,3 км. ни ташкил этади. Шундай катта кўрсаткичлар Андижон (362,3 км) ва Фарғона (338,2 км.) вилоятларига ҳам хосдир. Аксинча, темир йўллар зичлиги бўйича энг паст кўрсаткичлар Навоий (42,3 км), Бухоро (122,4 км) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (55,3 км) кузатилади. Ушбу кўрсаткич Наманган вилоятида 46,9 км.га, Қашқадарё вилоятида 39 км.га, Сурхондарё вилоятида 34,1 км.га, Сирдарё вилоятида 24,4 км.га, кўпайди.

Аммо, Андижон, Жиззах ва Фарғона вилоятларида темир йўллар зичлиги бирмунча қисқарди. Қолган минтақаларда ўзгаришлар кузатилмади. Республика минтақаларида умумий фойдаланиладиган темир йўллар зичлигининг турлича эканлиги даставвал ушбу ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан эмас, балки табиий омилларга боғлиқлиги билан изоҳланади. Бу энг аввало баъзи ҳудудлар майдонининг бениҳоя катталиги ва аксинча баъзи ҳудудлар майдонининг кичиклиги билан изоҳланади.

Темир йўл транспортининг асосий кўрсаткичлари ривожланиши минтақаларнинг ЯИМдаги улушининг ўзгаришига таъсирини баҳолаш учун, ҳудудлар бўйича темир йўллар зичлиги (x_1) билан бир қаторда ҳудудларда ташилган юк ҳажми (x_2) кўрсаткичидан фойдаланиб, регрессия тенгламаси тузилди.

1-Жадвал

Минтақаларнинг автомобиль транспорт инфратузилмаси билан таъминланганлигини баҳолашнинг
интеграл кўрсаткичлари

№	Вилоятлар	Автомобиль йўллар майдони (км ²)	Автомобиль йўллар умумий зичлиги (км ² /км ²) $d_{S^{AT}}^R = \frac{S^{AT}}{S^R}$	Аҳолига нисбатан автомобиль йўллар зичлиги (100 минг киши/км ²) $d_S^{RA} = \frac{S^{AT}}{A^R}$	Автомобиль транспортда юк ташишга нисбатан автомобиль йўллар зичлиги (млн.тн/км ²) $d_{S^{AT}}^{RY} = \frac{S^{AT}}{N_A^R}$	Умумий майдон ва аҳоли сонига нисбатан автомобиль йўллар зичлиги (км ² /км ² *минг киши) $d_{S^{AT}}^A = \frac{S^{AT}}{\sqrt{S^R A^R}}$	Майдон ва юк ташишга нисбатан автомобиль йўллар зичлиги (км ² /км ² *млн.тн.) $d_{S^{AT}}^{S^R, A} = \frac{S^{AT}}{\sqrt{S^R A^R}}$	Умумий майдон ва ЯХМга нисбатан автомобиль йўллар зичлиги, (км ² /км ² *млрд.сўм) $d_{S^{AT}}^{S^R, V^R} = \frac{S^{AT}}{\sqrt{S^R V^R}}$	Умумий майдон, аҳоли сони, юк ташиш ва ЯХМга нисбатан автомобиль йўллар зичлиги (км ² /км ² *минг киши*млн.тн.*млрд.сўм) $d_{S^{AT}} = \frac{S^{AT}}{\sqrt[4]{S^R A^R N_A^R V^R}}$	Умумий майдони, аҳоли сони, юк ташиш ва ЯХМга нисбатан автомобиль йўллар зичлиги (%да)
	Ўзбекистон Республикаси	285,63	0,63	0,9	0,20	0,07	0,45	0,06	0,18	100
1	Қорақалпоғистон Республикаси	27,80	0,17	0,16	0,80	0,05	0,37	0,03	0,06	35,20
	Вилоятлар:									
2	Андижон	16,74	3,89	0,06	0,34	0,15	1,16	0,08	0,06	34,69
3	Бухоро	26,95	0,67	0,15	0,44	0,10	0,54	0,04	0,06	34,92
4	Жиззах	18,14	0,86	0,14	0,67	0,11	0,76	0,06	0,08	46,19
5	Қашқадарё	23,74	0,83	0,08	0,57	0,08	0,69	0,04	0,05	30,07
6	Навоий	24,43	0,22	0,26	0,07	0,08	0,12	0,02	0,03	18,91
7	Наманган	20,73	2,79	0,08	0,52	0,15	1,20	0,09	0,08	44,75
8	Самарқанд	26,43	1,58	0,07	0,47	0,11	0,86	0,06	0,06	35,13
9	Сурхондарё	11,45	0,57	0,05	0,19	0,05	0,33	0,03	0,03	17,81
10	Сирдарё	18,61	4,35	0,24	1,24	0,32	2,32	0,16	0,17	97,37
11	Тошкент	29,64	1,94	0,11	0,13	0,14	0,50	0,06	0,05	27,40
12	Фарғона	26,66	3,94	0,08	0,30	0,17	1,08	0,10	0,07	39,86
13	Хоразм	14,31	2,37	0,08	0,31	0,14	0,86	0,08	0,06	36,78

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Бунинг учун минтақаларнинг улушига тўғри келувчи ЯИМ (y) ни x_1 , x_2 , лар орқали боғланишини $y=b_1+a_1x_1+a_2x_2$ кўринишда деб олиб, a_1, a_2, b_1 коэффициентлар ҳам кичик квадратлар усули ёрдамида аниқланди: $a_1=-0,015$, $a_2=0,001$, $b_1=-1,013$.

Ушбу аппроксимациянинг детерминация коэффициенти $R^2=0,78$ га тенг. Умумий модельда x_2 ни ортиши y ни ортишига, x_1 ни камайиши y ни ортишига олиб келади. Кўрииб турибдики, детерминация коэффициенти-нинг қиймати аввалги ҳолга нисбатан анча юқори, бу эса минтақаларнинг республика ЯИМдаги улушига ҳудудларда ташилган юк ҳажмининг таъсири темир йўллар зичлигига нисбатан кучлироқ эканлигини кўрсатади.

Республиканинг геосиёсий ҳолати, табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш шароитларининг турлича эканлиги, улар билан минтақалар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарурияти мамлакатимиз ва минтақалар даражасида маҳсулот оқимини таъминловчи транспорт-логистика тизимини шакллантиришни тақозо этмоқда. Хусусан, уларга ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, мамлакатнинг ташқи ва ички бозорларда ихтисослашуви ва кооперациялашуви, технологик ривожланиш даражаси, бозор муносабатларининг тавсифи ва даражасини киритиш мумкин ва улар мамлакатдаги транспорт-логистика тизимининг шаклланиш усуллари, шакллари ва механизмларига ўз таъсирини кўрсатади. Хорижий давлатларда ТЛТ шаклланишининг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки, минтақавий ТЛТлар асосан йирик ва ўрта шаҳарлар, яъни ўсиш кутблари, шунингдек шаҳарлар агломерациялари транспорт тизими асосида шаклланмоқда (яқин жойлашган аҳоли пунктлари ва шаҳар атрофи билан интеграллашган метрополиялар, мегаполисларда).

Ўзбекистонда ТЛТларнинг ривожланишига айрим минтақалар иқтисодий ривожланиш даражаси ва географик жойлашуви бевосита таъсир кўрсатмоқда. 2017 йилда иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича юқори кўрсаткичларга фақат Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятлари эришди. Ушбу минтақалар қулай транспорт-географик ўрни, юқори демографик салоҳияти, саноатининг ривожланган таркиби ва йирик агломерацион тузилмалар мавжудлиги ҳисобига уларни нисбатан юқори даромадлар эгаси бўлиши ва ТЛТларнинг жадал ривожланишига асос бўлди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг транспорт инфратузилмасини жаҳон талаблари даражасига етказиш мақсадида кенг кўламдаги ислохотларни амалга оширмоқда ва транспорт тизимини ривожлантириш ва ундаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга давлатимиз раҳбарияти катта эътибор қаратмоқда. Шу нуқтаи назардан иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган транспорт тизимини такомиллаштириш

билан алоқадор ҳудудий муаммоларни аниқлаш ва асосий йўналишларни белгилаш катта аҳамият касб этади.

Барча транспорт турлари бўйича юк ташиш ва йўловчи ташишда автомобиль транспортининг улуши мос равишда 88,4% ва 98,5%ни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, автомобиль транспорти темир йўл транспортига нисбатан рақобатбардошлиги ортиб бориш хусусиятига эга бўлиб, автомобиль транспорти учун бу ижобий ҳолат бўлса, темир йўл транспортида юк ташиш қиймати 3-5 барабарга арзонлигини ҳисобга олсак, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муайян муаммолар келтириб чиқаради.

Шу билан бирга транспорт тизимининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришда, автомобиль ва темир йўл транспортларининг ҳудудлар бўйича зичлигини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳудудлар орасида қаттиқ қопламали автомобиль ва темир йўллари зичлиги бўйича тафовутларнинг мавжудлиги аввало табиий-географик омиллар билан боғлаш мумкин бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларининг ҳудуди катталиги билан изоҳланса, аксинча Андижон, Фарғона, Наманган ва Сирдарё вилоятларининг майдони кичиклиги билан изоҳлаш мумкин. Майдони йирик бўлган, қаттиқ қопламали автомобиль ва темир йўлларнинг зичлиги паст бўлган минтақаларда Ялпи Ҳудудий Маҳсулотнинг транспорт сиғимкорлиги анча юқори бўлади ва бу ўз навбатида уларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришда ва самарали равишда жойлаштиришга салбий таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши ва уни такомиллаштиришнинг географик таққослаш, картографик, статистик, математик моделлаштириш аспектлардаги тадқиқи натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилишининг замонавий хусусият ва тенденцияларини тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилишида ижтимоийлашув жараёнлари (аҳоли ҳаракатчанлиги ва йўловчи оқимининг ошиши) кучайиб бормоқда. Шу билан бирга, транспорт-географик тортишув қонуниятларининг таъсири кенгаймоқда ҳамда транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилишида ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири табиий омилларга жуда юқорилиги қайд этилмоқда.

2. Транспорт тизимини иқтисодий-географик жиҳатдан илмий-амалий асослари ва ёндашувларини тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки,

бугунги кунда транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги жараёнлар мазмунини акс эттиради. Шу билан бирга ушбу жараёнларни тадқиқ этишда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, транспорт тизимининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришни тадқиқ этишда кўпроқ математик ва картографик ёндашувларни кучайтириш зарур.

3. Транспорт тизимини ривожлантиришнинг ҳукуқий асосларини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга (Public-Private Partnership, PPP) Давлат ва Хусусий Ҳамкорлик (ДХХ) механизми орқали хусусий капитал кенг жалб қилинмоқда. Шунинг учун, транспорт тизимини ривожлантиришга қаратилган концепцияларни ушбу механизмни кенг қўллаш ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш зарур.

4. Ўзбекистонда автомобиль транспортининг ўрни доимий равишда ошиб бормоқда ва мустақиллик йилларида, ушбу транспорт турининг кўрсаткичлари юк айланмасида 11 бараварга ошганлиги ушбу транспорт турининг ўрнини кўрсатиб бермоқда. Ҳудудларнинг республика ЯИМдаги улушининг автомобиль транспорти фаолиятига боғлиқлигини транспорт-географик (математик) моделлаштириш натижалари, детерминация коэффициенти, автомобиль транспортининг фаолияти ва инфратузилмаси ривожланиши кўрсаткичлари минтақаларнинг ЯИМдаги улушининг ошиши ва камайишига билвосита таъсир этишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, моделлаштириш натижалари бу борада, муайян қонуниятлар мавжудлигини исботламоқда, яъни ҳудудларнинг ЯИМдаги улуши (Тошкент минтақаси) қанчалик катта бўлса, автомобиль транспортида ташилган юклар ҳажми ва юк айланмаси каби кўрсаткичлар ҳам шунча катта таъсир кўрсатиши аниқланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, автомобиль транспорти инфратузилмаси ва фаолиятини ривожлантиришда, асосий эътиборни ЯИМдаги улуши юқори бўлган ҳудудга (Тошкент минтақаси) қаратиш зарур.

5. Ҳудудларнинг автомобиль транспорти инфратузилмаси билан таъминланганлик даражасини баҳолашнинг интеграл методикасидан фойдаланиш натижасида, ҳудудларнинг автомобиль йўллар билан таъминланганлик даражасига ҳудудлар майдони, аҳоли сони, юк ташиш ҳажми ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси катта таъсир кўрсатади. Ушбу методика ёрдамида баҳолаш натижалари, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда, ҳудудларнинг транспорт-географик ўрни (Жиззах, Сирдарё) табиий-географик шароитлар ва ресурслар билан таъминланганлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (Тошкент, Навоий) даражаси, демографик салоҳияти (Андижон, Фарғона, Наманган) ҳисобга

олиш зарурлиги ва иқтисодий–географик жиҳатдан дифференциал ёндашиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

6. Шунингдек, автомобиль транспорти инфратузилмаси ривожланишини акс эттирувчи хариталарда, автомобиль транспорти инфратузилмаси ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари акс эттирилган бўлиб, уни тузишда Стёрджеснинг оралиқ интервал усулидан фойдаланилган.

7. Мамлакат транспорт тизимида темир йўл транспорти катта аҳамиятга эга бўлиб, ягона темир йўл транспорти ташкил этилганидан кейин ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари тезлашди. Шу билан ҳудудларнинг темир йўл транспорти билан таъминланганлиги даражасида турли тафовутлар мавжуд бўлиб, уларнинг мавжудлиги асосан ҳудудлар майдонининг катталиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси орасидаги тафовутлар мавжудлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, тузилган харитада ҳудудларда темир йўл транспорти ривожланиши акс эттирилган. Бундай харита Стёрджеснинг оралиқ интервал усулида тузилган бўлиб, бу усул ўзининг қулайлиги билан ажралиб туради.

8. Ҳудудларнинг республика ЯИМдаги улушининг темир йўл транспорти фаолиятига боғлиқлигини транспорт-географик (математик) моделлаштириш натижалари, детерминация коэффиценти, темир йўл транспортининг фаолияти кўрсаткичлари минтақаларнинг ЯИМдаги улушининг ошиши ва камайишига билвосита таъсир этишини кўрсатмоқда транспорт-географик (математик) моделлаштириш натижалари, ҳудудларда ташилган юклар ҳажми таъсири анча катталигини кўрсатмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, майдони кичик (Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Хоразм) ва ўртача (Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд) бўлган ҳудудларда устувор равишда автомобиль йўллари куриш ва қайта куриш ишларини амалга ошириш (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имконини беради), майдони катта бўлган (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро) ҳудудларда темир йўллар зичлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур минтақаларда устувор равишда оғир саноатни ривожлантириш имкониятлари юзага келади.

9. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат ва унинг минтақаларида транспорт-логистика тизимларининг (ТЛТ) шаклланишига минтақанинг иқтисодий-географик (Тошкент), транспорт-географик ўринлари (Сирдарё, Жиззах, Самарқанд), табиий шароитлари ва ресурслари (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро), иқтисодиётининг ҳажми, ишлаб чиқариш кучларининг таркиби ва жаҳон бозоридаги ихтисослашуви ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакатимиз саноатида юз бераётган таркибий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз транспорт-логистика тизимини машинасозлик, енгил саноат, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришга

ихтисослаштиришни кучайтириш зарурияти мавжуд. Шу билан бирга мамлакатимизнинг транспорт-транзит салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиё давлатлари билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш, ягона транспорт-логистика маконини яратиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSC.30.05.2018.G.02.07 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

УСМАНОВ ЗАКИР КАРИМОВИЧ

**ТЕРРИТОРИАЛЬНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ТРАНСПОРТНОЙ СИСТЕМЫ
УЗБЕКИСТАНА И ЕЁ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.PhD / Gr13.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (наука@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Каюмов Абдухаким Абдухамидович доктор географических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сафаров Баходир Шахриярович доктор экономических наук Кодиров Рахимжон Болтабоевич, кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Наманганский государственный университети

Защита диссертации состоится «17» января 2020 г. В 14⁰⁰ на заседании Научного Совета по присвоению учёных степеней DSc. 30.07.2018.G.02.0 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г.Самарканд., Университетский сквер, дом 15. Главный корпус Самаркандского государственного университета, аудитория 105. Тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366); E-mail: ik-geografiya.2018@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № ___). Адрес: 140104, г. Самарканд, ул. Университетский сквер д. 15. Главный корпус Самаркандского государственного университета. Тел.: (0366) 233-60-87, факс: (0366).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № от «__» _____ 2020 года).

С.Б. Аббосов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.г.н.

К.С. Ярашев

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, PhD по географическим наукам

А. Рахматуллаев

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.г.н., (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современных условиях в большинстве стран мира актуальное значение имеет интегрированность территорий с удобным и неудобным транспортно-географическим положением. По оценкам международных экспертов, “на современном этапе на промышленный потенциал стран и регионов значительное воздействие оказывают инвестиции, направленные на модернизацию объектов инфраструктуры, в частности, транспортных коммуникаций”.¹ Исходя из этого, совершенствование территориальной структуры транспортной системы является актуальной задачей.

В мире уделяется приоритетное значение уделяется совершенствованию территориально структуры транспортной системы, проведения исследований направленных формирование транспортно-логистической системы. В сфере формирования транспортно-географического единства страны, совершенствования транспортной системы, диверсификации транспортных магистралей выхода к портам мирового океана, организации высокоскоростных маршрутов поездов, развития транспортных коммуникации связывающих крупные туристические центры осуществлено много работ.

После обретения независимости, в нашей стране особое внимание уделяется взаимной интеграции территорий исходя их транспортно-географического расположения. Так как, только развитая дорожно-транспортная инфраструктура является важным фактором укрепления экономической безопасности республики, сбалансированного развития отраслей экономики, а также её интеграции в мировую экономику. Особенно, решающую роль играет в стабильном социально-экономическом развитии территорий, повышении их конкурентоспособности, так же сокращения диспропорций между ними, интеграции между регионами и расширении внешнеэкономических связей. В таких условиях, возрастает спрос на исследования направленные на научное обоснование путей эффективного использования транспортно-логистического потенциала территорий республики, интеграции национальной и региональной транспортных систем в международные транспортные коридоры. В том числе, возрастает потребность в научных исследованиях, направленных на комплексное экономико-географическое изучение территориальной организации транспортной системы страны.

Исходя из этого, в определении стратегии развития нашей страны в кратко-, и среднесрочной перспективе, интенсивное формирование и совершенствование современной транспортной инфраструктуры выбраны в качестве одной из приоритетных задач. В Стратегии развития Республики Узбекистан, по пяти приоритетным направлениям, особое внимание уделяется вопросам «...ускоренного развития дорожно-транспортной

¹www.2015.tr-ebrd.com.EBRD Transition Report 2015-2016. Structural Reform.

инфраструктуры...»¹. Работа в определённой мере служит решению задач, определённых в рамках нормативно-правовых документов, таких как “Стратегия движения по развитию Узбекистана в 2017-2021 годах”, утверждённого Указом Президента Республики от 7 февраля 2017 года, Постановления Президента Республики Узбекистан “О программе развития территориальных автомобильных дорог на 2017-2018 годы” №ПП-2775 от 14 февраля 2017 года и Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы транспортного обслуживания населения и пассажирского автобусного сообщения в городах и селах» №ПП-2724 от 10 января 2017 года и Указа Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы государственного управления в транспортной сфере» №УП-5647 от 1 февраля 2019 года.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Степень изученности проблемы. Основателем географии транспорта признан И.Коль, составивший иерархическую модель транспорта, Л.Лаланн разработал теорию сетей железных дорог. Значительный вклад в изучение пространственной организации транспорта внесли американские учёные Э.Таафе, Э.Ульман и О.Блюм. Польские учёные М.Потрыковский, Р.Доманьский исследовали структуру регионального транспорта.

В странах СНГ основы анализа пространственной структуры транспорта заложил И.В.Никольский, С.Б.Шлихтер исследовал транспортный фактор региональной интеграции, В.Н.Бугроменко - роль транспорта в территориальной системе, М.И.Галицкий - экономическую географию транспорта, Н.Ф.Голиков - географию инфраструктуры, Н.Н.Казанский - территориальную организацию путей сообщения, Н.П.Каючкин - географические основы транспортного освоения территории.

В Узбекистане исследования, посвящённые территориальной организации транспорта, проводили такие учёные, как С.М.Ходжаев, Р.В.Набиев, М.Н.Адилов, Д.И.Менгелдин, П.Х.Махмудов. За годы независимости И.С.Рамазонова проанализировала роль и значение транспортного фактора в развитии и размещении производительных сил, К.У.Ульджабаев - экономические реформы на железнодорожном транспорте, Э.Каримов - организацию грузоперевозок на автомобильном транспорте, А.Исаев - географические особенности развития транспортной системы в Ферганской долине.

Однако на сегодняшний день остаются недостаточно исследованными теоретические вопросы транспортно-географического положения и транзитного потенциала территории, экономико-географического

¹www.Lex.uz.Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года за № УП-4947

моделирования отраслей транспорта и их картографирования, территориальной структуры транспортно-логистической системы, а также проблемы совершенствования территориальной организации транспортной системы Узбекистана.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где оно выполнено:

Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта А-2-62 «Стратегия развития регионального агропромышленного производства в условиях роста конкурентного рынка (2015-2017 гг.)» в Национальном университете Узбекистана и фундаментального проекта Ф1-Фа-1-16435 ФА-Ф1-Г005 «Научно-методические основы информационного развития национальной экономики» (2012-2016 гг.)» в Научно-исследовательском центре при Ташкентском государственном экономическом университете.

